
Фурқат тумани ҳокимлиги ва Фурқат тумани ФВБнинг туманимиз ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва туманимиз аҳолисига мурожаати

Ҳурматли тумандошлар ва тадбиркорлар!

Айни дамларда ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган хабарлардан сизларга ҳам маълумки, Фарғона вилояти Фарғона шаҳар “Машъал” МФЙ

Сайилгоҳ кўчасидаги 4 қавватли бинонинг ертўласида жойлашган караоке кафесида ёнғин содир бўлиши оқибатида 6 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 7 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари билан шифохонага юборилган.

Шу каби ҳолатлар юз беришининг олдини олиш мақсадида туманимиздаги кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланувчи тадбиркорлардан ҳамда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролардан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишларини сўраймиз.

Фурқат тумани ФВБ

2023-07-31 13:41:10